



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 5 декабрь, № 238 (5912)

Пайшанба

Энергетика тизими:

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



Бугун кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, ҳар бир соҳага замонавий ахборот технологиялари кенг миқёсда жорий этилаётгани, жойларда кўплаб ишлаб чиқариш линиялари фойдаланишга топширилаётгани электр қувватига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўляпти. Бу эса энергетика тизимини босқичма-босқич модернизация қилишни тақозо этаётир.



ЖАРАЁН

Албатта, изчил янгиланишлар — тараққиётга элтувчи муҳим омил. Бунинг амалий самараси "Сирдарё иссиқлик электр станцияси" фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан, рўёбга чиқарилган қатор

истиқболли лойиҳалар тўғрисида жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида корхона томонидан истеъмолчиларга 13 миллиард 233,1 миллион кВт.соат миқдоридagi электр энергияси етказиб берилди. Эътиборлиси, бу

режалаштирилган кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир. Қолаверса, кейинги йилларда бу ерда электр энергияси ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш борасида изчил излашлар олиб борилаётир. Чунон-

чи, 2010 йилда бир киловатт электр энергияси ҳосил қилиш учун 368,45 грамм шартли ёқилғи сарфланган бўлса, айти пайтда бу миқдор 366,5 граммни ташкил этапти. Бинобарин, иссиқлик энергияси узатишда ҳам

ўшиш суръатлари қайд этилаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида корхонадан 143531,8 геккалорий иссиқлик қуввати чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

4 декабрь куни Тошкентда «Болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш — фаровон ва тараққиёт этиб борувчи жамият асоси» мавзусида ўзининг халқаро форум бошланди.

## ФАРОВОН ЖАМИЯТ АСОСИ

Тадбир Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан ЮНЕСКО, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда «Sen Yo'lga'z Emissan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси кўмағида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, ўндан зиёд давлатдан келган олимлар, амалиётчи мутахассислар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Форумда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Б. Ҳодиев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Ҳайитов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси С. Ортиқова ва бошқалар мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур шароитлар яратиш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, тегишли Фармон ва қарорлар ёшларни жисмоний ва маънавий етуқ инсонлар этиб тарбиялашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни тиббий-психологик ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий мослашувига қўмаклашишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Мазкур халқаро форумнинг ўтказилиши имконияти чекланган, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болалар, истеъдодли ўғил-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасига оид кўплаб масалаларни муҳокама этиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларга ордено, медал, фахрий унвонлар ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдоғида бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу-ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Юсак мукофотлар Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан топширилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, бир гуруҳ ёшлар "Ўзбекистон ифтихори" ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсат-

ган спортчи" унвони, "Дўстлик" ордени, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" ҳамда "Шўхрат" медал билан тақдирланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг қарорига биноан, 27 нафар йигит-қиз "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишон билан мукофотланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таъсис этилган ушбу юсак мукофот ҳар йили ўзининг фидокорона меҳнати, ўқишда, ишда, илм-фан, ижод, маданият ва спорт соҳасида эришаётган улкан ютуқлари билан Ва-

танимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларга берилади.

Тантанали маросимда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Фаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг касб эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, ўз салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилгани

самарасида ёшларимиз турли жабҳаларда улкан ютуқларга эришаётганини таъкидлади. Ўз сафини 5,9 миллион йигит-қизни бирлаштирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билими, иқтидори, меҳнатсеварлиги ва садоқати билан мамлакатимиз раҳнамолигидаги ҳисса қўшаётган ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Тадбирда мукофотланган йигит-қизлар давлатимиз раҳбарига ёшларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдириб, бундан буюн ҳам Ватанимиз раҳнамолиги билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни

(Давоми 3-бетда).

## ИШОНЧ, БАРҚАРОРЛИК, ЮКСАЛИШ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий қарор топтириш, унинг қон томири бўлмиш эркин банк-молия тизимини шакллантириш энг муҳим, шу билан бирга, энг мураккаб вазифалардан бири этиб белгиланди. Негаки, Президентимиз таъбири билан айтганда, "...биринчи навбатда, иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шarti" бўлиб, бундан демократик бозор муносабатларини юзага келтириш, иқтисодий либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, маҳсулот ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш ҳисобида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкин эмас эди.

### ИСЛОХОТ

Ушбу ўта масъулиятли вазифа ижросига жиддий киришилгани туфайли тарихан қисқа муддатда ёш ва мустақил юртимизнинг тезкор тараққиётини амалда таъминлашга эришилди. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий бунтунлай янги йўналиши — халқаро миқёсда эътироф этилган "ўзбек модели"нинг самарасидир.

Маълумки, мамлакатимизда

кириб келаётган ҳар бир янги йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини йўлда эътибор билан бериш аниқ айланган. Президентимиз ташаббуси билан 2013 йил "Обод турмуш йили" деб номланиши ҳам ана шу эзгу ва хайрли ишларнинг мантаний давоми бўлди. Бу, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яққол намоён бўлаётир. Мазкур соҳа жадал ривожланиб, тадбир-

корларимизда мулкка эгалик ҳиссининг шаклланиётгани туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очаётгани, замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ишга тушаётгани, яқин ўтмишимизда фақат хом ашё этиштириш билан шуғулланган қишлоқ одамлари бугун тайёр маҳсулот ишлаб чиқараётгани ана шундан далолат беради.

Бу жараёнларни, табиийки, молия муассасаларининг кўмағи-

сиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида Марказий банк ташаббуси билан барча тижорат банклари томонидан кичик бизнесни кредитлаш ҳажмини кескин ошириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тундан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижанда 2000 — 2012 йиллар давомида соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми 52 баробарга ўсиб, юзлаб янги банк хизмати турлари жорий қилинди. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес муҳитини яратиш, ажратилаётган кредитларни, авваламбор, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтириш

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир", деб белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимиздаги мазкур устувор ҳуқуқий мезонлар, шубҳасиз, ривожланишининг "ўзбек модели" асосларидан бирига айланди.

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида меҳнат муносабатларининг қонуний ва демократик асослари яратилиб, ижтимоий шериклик асосида жамоат шартномалари ҳамда келишувлари орқали иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун кенг имкониятлар очилди.

Асосий Қонунимиздан ўрин олган ушбу ҳуқуқлар Меҳнат кодекси ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шу ўринда Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та конвенциясини ратификация қилгани ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келаётганини қайд этиш жоиз.

Чунончи, аввало, меҳнат, бандлик ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси соҳасидаги ишлар такомиллаштириб боришда Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ходимлар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурталаш, жисмоний имконияти чекланган инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашишга қаратилган саяё-ҳаракатларда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Айти чогда ҳукумат, касба уюмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик алоқалари натижасида аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Ўз навбатида, касба уюмалари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, фуқаролар муурожаатлари юзасидан тезкор амалий чоралар кўриллаётгани диққатга сазовор. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотларга 2013 йилнинг 9 ойи давомида жами ўн мингга яқин муурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг тўрт мингга яқини қаноатлантирилди, 5 мингдан ортиғи ижобий ҳал этилди. Ходимлар ҳуқуқини тиклаш мақсадида судларга киритилган жами 54 та даъвонинг 38 таси, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан амалга оширилган 443 та тақдирноманинг 332 таси қаноатлантирилди.

(Давоми 2-бетда).

### ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ҲАМИША ЭЪТИБОРДА


Хабарингиз бор, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес субъектларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус жамғарма ташкил этилган. Бу жамғарманинг мақсади муайян лойиҳа доирасида тақдим этилган гоғларни танлов бўйича саралаб, уларни қўллаб-қувватлаш, айти чогда, республикамиздаги кредит ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).



«Самарқанд — Ўзбекистоннинг мовий жавоҳири»

Польшада нашр этиладиган «Gazeta Wyborcza» газетасида эълон қилинган мақола ана шундай номланади. Газета тахририяти ва Варшава сайёҳлик уйи ҳамкорлигида тайёрланган ушбу мақола Самарқанд ҳамда унинг бағрида жойлашган жаҳонга машҳур мейморий ёдгорликлар мавзусига бағишланган. Мақолада дунёга донг таратган Самарқанднинг Буюк Ипак йўли ва Теурийлар сулоласи бошқаруви давридаги тарихи атрофлича қаламга олинган.



Дунё нигоҳи

Нашр маҳобатли Самарқанд Фарбий Хитойдан Ўрта ер денгизи соҳили бўйлаб қор қоплаган тоғ довлонлари, жазирама саҳролар, ҳосилдор воҳалар, ям-яшил водийлару эртакмонанд шаҳарлардан ўтайдиган кўҳна Буюк Ипак йўлининг муҳим марказларидан бири бўлганлигини қайд этади. «Шарқдан ипак, қорғоз, зирворлар ва олтин, Фарбдан қимматбаҳо буюмлар, атир-упа, хушбўй хид таратидиган ёлғор ортилган кўпдан-кўп карвонлар шу йўлдан ўтган», деб ёзади польшалик журналист Марта Ковальская. Муаллиф ўз мақоласида Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудида жойлашган Самарқанд жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири эканлиги ҳақида атрофлича тўхталади. «Буюк давлат арбоби Амир Теувар Самарқандга иқтидорли олим ва мутафаккирлар, меъмор хунармандларни жамлаб, ушбу шаҳарни ўз салтанатининг пойтахти, деб эълон қилган. Шу тариқа Самарқанд илм-фан, маданият, санъат ва савдо марказига айланган», деб ёзади «Gazeta Wyborcza» газетаси.

Муаллиф Ўзбекистоннинг кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳри тарихи билан ўқувчиларни таъминлашда давом этар экан, куйидаги фикрларни келтиради: «Амир Теуварнинг невараси, дунёга машҳур математик ва астроном, ўз даврининг буюк алломаси Мирзо Улуғбек бошқаруви йилларида Самарқанд янада гуллаб-яшнади. У шаҳар чеккасида расадхона бунёд этиш, шаҳарнинг асосий майдонида мадраса қуриш юзасидан фармон берган. Самарқанднинг юраги ҳисобланадиган афсонавий Регистон майдонининг тарихи шу тариқа бошланган». Мақолада Регистон «ақл бовар қилмас миноралар, нақшинкор гумбазли, мовий-тилларанг мўъжиза» майдон сифатида тасвирланган. Юқоридагилардан ташқари, муаллиф шаҳардаги бетакорр Шоҳи Зинда мажмуаси, Биби-хоним масжиди, Гўри Амир сингари тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳақидаги муҳим маълумотларни ҳам кўп сонли газетонлар эътиборига ҳавола қилган. «Жаҳон» АА. Варшава

Ишбилармон аёл муваффақияти

Зангиота туманилик Муҳайё Хотамова ишбилармон аёллардан бири ҳисобланади. Ўзи моҳир чевар бўлгани учун бундан сал аввалроқ хусусий тикши-бичиш курси фаолиятини йўлга қўйиб, қишлоқ хотин-қизларига мазкур хунар сир-синоатларини ўргата бошлагани. «Интилиш Бу тadbиркор аёл бизнес лойҳасининг муқаддимаси эди, холос. Яқинда у банк кредити эвазига каттагина тикувчилик цехини ташкил қилди. Бугун замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу цехда ўқув курсини битириб чиққан 20 нафарга яқин иқтидорли шогирдини иш билан таъминлади. Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади. «Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар тақроран савдога қўйилган: 1. Наманган шаҳри, 2-кичик туманда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустакхона, 4 автомашиниға мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва жиҳат қўрсатиш мажмуасидаги бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони

Юксак мукофот билан тақдирланган орасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта илмий ходими, иزلанувчи Сакина Мухаммадҷонова ҳам бор. Сакина архитектура реставрацияси бўйича етакчи мутахассис бўлиш билан бирга, ажойиб ҳайкалтарош ҳамдир. Шарқ миниатюра устаси Камолитдин Бехзоднинг институтда ўрнатилган ҳайкали унинг маҳоратидан да-

ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

лолат беради. Ёш ҳайкалтарошинг иқтидори нафақат мамлакатимиз, балки Бельгия, Греция, Миср, Хиндистон, Россия каби хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва кўрик-танловларда ҳам эътироф этилган. — Аيني пайтда Ўзбекистон реклама санъатининг бадий-эстетик жиҳатлариға бағишланган илмий иزلанишлар устида ишляпман, — дейди С. Мухам-

мадҷонова. — Биз, ёшларнинг ўз истеъдод ва қобилиятимизни хар томонлама намойиш этишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмаётган, озгина ютуғимиз ҳам муносиб баҳоланиб, юксак кадрланаётган буюк мамлакат фарзанди эканимдан фахрланаман. 2009 йилда Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти

давлат стипендиясига сазовор бўлган эдим. Энди, мана, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим, бу менға улкан масъулият юклайди ва янги ижодий чўққилар сари ундайди. Тақдирлаш маросими ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди. Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.

ДАСТУР ИЖРОСИ — АМАЛДА

Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш борасида амалға оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Воҳада қарийб 22620 та корхона ва микрофирма фаолият кўрсатаётгани бунинг далилидир.

— Вилоят бўйича иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастуриға мувофиқ, шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида 57301 та иш ўрни ташкил этилди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Абдусалом Хўжақулов. — Бунга янги ишлаб чиқариш объектларини ишға тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, кичик корхоналарни очиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан эришилди. Бундан ташқари, «Обод турмуш йили» Давлат дастуриға кўра, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадига жорий йилнинг 9 ойида тижорат банклари томонидан 269,5 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, бу маблағ озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришға йўналтирилди. Пировардида қишлоқ жойларида салкам 11860 та иш ўрни яратилди. Шеробод туманида, айникса, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлашға катта эътибор қаратилмоқда. Жумла-

сўмлик кредитиға сотиб олинган замонавий технологиялар шарофати туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшиланиб, экспортга кенг йўл очилди. Дарҳақиқат, тadbиркор ташаббуси билан эндиликда бу ерда тўқимачилик ва тикувчилик цехлари фаолият юритмоқда. Замонавий дастгоҳларда ишлаётган тикувчилар қўлида жило топаётган болалар кийимлари, каткакчи сочлар ва оқ сурп матолари эса хорижлик миҳозларға ҳам манзур бўлмоқда. — Тижорат банклари, чин маънода, биз, тadbиркорларнинг яқин ҳамкоримизға айланди, — дейди Жарқўрган туманидаги Пахта заводи маҳалласида жойлашган «Хумо» хусусий корхонаси раҳбари Алишер Маматраҳимов. — Хусусан, биз банк томонидан ажратилган 450 миллион сўмлик кредит эвазига 8 турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқараёмиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Сурхондарё вилоятида «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг изчил ижроси натижасида қишлоқ ва маҳаллаларда кичик корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли даромади ортишиға хизмат қилаяпти.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Эълон

Бандликка йўналтирилаётган сармоялар

дан, «Барот Қўзиев» хусусий корхонаси раҳбари Иброҳим Қўзиев Катта ҳаёт маҳалласида тикувчилик цехини ишға тушириб, 10 нафар хотин-қизни ишға жалб этди. Банк томонидан ажратилган сармоянинг асосий қисмиға эса замонавий тикув машиналари харид қилингани бу ерда турли ўлчамдаги либослар, чойшаб, ёстиқ жилдларини тайёрлаш имконини берди. — Корхонамизда ҳозирги кунда 50 нафар киши меҳнат қилмоқда, — дейди Бойсун туманидаги «Умид» кичик корхонаси раҳбари Неймат Абдуллаев. — Банкнинг 300 миллион

«Евроњьюс» телеканалі хабарига кўра, воқеа оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, қарийб 60 нафар одам жароҳатланган. Улардан беш нафарининг аҳоли оғир. Йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқишиға қалин туман тушгани сабаб бўлган.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШ федерал суди Детройт шаҳрининг банкротликка учраганини тасдиқлади, дейилади «USA Today» наشري хабарига.

Банкротлигини тасдиқлади

танг аҳволдан чиқиб кетиш режасига мувофиқ, эндиликда пенсиялар ва иктимой тўловлар миқдорини камайтириш имконияти ҳам мавжуд. АЙНИ ПАЙТДА Детройтнинг 18 миллиард доллардан зиёдроқ қарзи бор. Шароит оғирлиги туфайли сўнгги йилларда шаҳар аҳолиси сони сезиларли даражада камайиб кетди. Бундан ташқари, ҳудудда 40 мингга яқин тураржой ва объектлар бўш ётибди.

Тумандаги тўқнашув

Бельгия шимоли-ғарбидаги магистраллардан бирида юзга яқин автомобиль тўқнашиб кетди.

«Евроњьюс» телеканалі хабарига кўра, воқеа оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, қарийб 60 нафар одам жароҳатланган. Улардан беш нафарининг аҳоли оғир. Йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқишиға қалин туман тушгани сабаб бўлган.

Умумий кўрсаткич ҳали ўзгармади

Ноябрь ойида Испанияда ишсизлар сони 2,4 минг кишиға камайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу, албатта, қувонарли ҳол. Аммо умумий бандлик кўрсаткичиға нисбатан олиб қараганда, мазкур ўзгариш гўё денгиздан бир томчидек. Сабаби, аЙНИ ПАЙТДА мамлакатда меҳнатға лаёқатли аҳолининг 4,8 миллион нафари (26 фоиз) ишсиз мақомиға эға. Испания жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жиддий азият чеккан давлатлардан биридир. Фақат жорий йилнинг ўрталариға келибгина ушбу мамлакат ҳукумати рецессия ортда қолганини маълум қилди.

Талаб камаймоқда

Халқаро миқёсда тадқиқот ўтказувчи «International Data Corporation» компанияси маълумотлариға кўра, 2013 йилнинг ўтган даврида дунё бўйича компьютерлар савдоси 10 фоиз камайган.

Яъни мазкур турдаги техника воситасидан 314,2 миллион дона сотилган. Бу 1994 йилдан буён қайд этилган энг паст кўрсаткичдир. Экспертларнинг изохлашича, кейинги пайтларда одамлар ўртасида смартфон ва планшетларға бўлган талабнинг кескин ортгани аънанавий компьютерлар бозорига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табиат туҳфа қилган орол

Яқинда Япониянинг Токио шаҳридан тахминан минг километр жанубда, Тинч океани тубида вулқон отилиши туфайли янги орол пайдо бўлган эди.

Унинг ҳудуди 200 метр квадратни ташкил этади. Бир зумда дунё аҳли эътиборини торган мазкур табиат ҳодисасиға ўз муносабатини билдирган қўллаб олимлар бу жойға ном беришға ҳали шовилмасликини таъкидлашган. Чунки кўп ҳолларда бундай ороллар қандай ҳосил бўлган бўлса, яна шундай, тўсатдан сувға фарқ бўлиши кузатилган. Аммо куни кеча хорижий оммавий ахборот воситаларида Япониядаги орол дастлабки ҳолатиға нисбатан 2,5 баробар катталашгани ҳамаий хабарлар тарқатилди. Агар у жойида мустақкам қолгудек бўлса, Кунҷикор юрт ҳукумати шу ҳисобдан ўз ҳудудини кенгайтириш ниётида.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА! «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ НР сервер қурилмалари ва дастурий таъминотлар сотиб олиш бўйича очик тендер эълон қилади. Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин. 1. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (+99871) 140-36-40. Факс: (+99871) 140-70-82. E-mail: it@uzpsb.uz 2. Тендер мавзуси — НР сервер қурилмалари ва дастурий таъминотлар харид қилиш. 3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари тендер ҳужжатларида акс этирилган. Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 300 АҚШ доллари. Қўшимча маълумотлар олиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш бўйича тендер комиссиясига мурожаат этиш лозим. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 10 январь соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

«КО‘СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосиға Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманларо судининг 2012 йил 10 октябрдаги 1-1533-сонли ижро варақасиға асосан хатланган, Денов тумани, «Хазарбоғ» ҚФЙ, Янги Хазарбоғ маҳалласида жойлашган, умумий майдони 210,24 кв.м. бўлган, бир қаватли, 7 хонадан иборат савдо гузари биноси тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойиға чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kochmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тadbиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz Лицензия: № RR-0001.

4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси. Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм. 4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устакхона, иккита бостирма, бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм. 5. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатиға келтирилиб, қайта таъмирланган дала-ҳовли. Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм. 6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси. Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм. II. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманларо судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 1-4574/2012-сонли ижро варақасиға асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Дилбанд 2-тор кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 405,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 74,68 кв.м., яшаш майдони 54,18 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 62 812 500 сўм. III. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 12 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасиға асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарёбўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 19 467 113,90 сўм. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойиға чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишиға бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# Бунёдкорлик, ободлик ва тараққиёт

Обод турмуш тушунчаси азал-азалдан халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган бўлиб, у тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва кут-баракат, деган маъноларни англатади. Истиқлол шарофати туфайли бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам



— Мен Бешариқ маҳалласида яшайман, — дейди Озадхон опа Каттахўжаева. — Бу йил намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган янги уйлардан бирига кўчиб ўтиб, Мустақиллик

байрамни қариндош-уруғларимиз, кўни-қўшнилари билан биргаликда нишонлади. Шундай шоду хуррамлик маҳалламиздаги 16 та хонадон соҳибларига ҳам насиб этди.



## Барчаси — азиз инсон учун

Дарҳақиқат, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш турмуш фаровонлигининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Давлат дастури доирасида юртимизда етти та йирик лойиҳа ҳаётга татиқ этилмоқда. Бунинг учун жорий йилнинг 9 ойида жами 74,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, 2 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 1,9 минг километрлик сув қувурлари тармоғи ишга туширилди.

Бундай хайрли ишлар кўлами Оролбўйи минтақасида ҳам кенг қулоч ёзаётгани диққатга сазовор. 2013 йил бошидан буён бу ерда 3 миллиард 833,5 миллион сўм миқдорида маблағ ичимлик суви таъминоти яхшилашга йўналтирилиб, шунинг эвазига 33 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган 20 та объектда қурилиш ишлари кўнгилдагидек бажарилгани шундан далолат беради.

— Айни пайтда бошқа ҳудудларда ҳам ичимлик суви қувурларини тортиш ишлари жадал даром эттирилмоқда, — дейди "Туямўйин — Нукус" минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси

бош муҳандиси Камол Аевезов. — Чунки Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жорий йил охирига қадар 32 та объектда 8,8 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкциялаш ишлари бажарилши режалаштирилган. Шу мақсадда жамоамиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Оролбўйидаги 20 та шаҳар, туман марказлари ва аҳоли пунктларига ичимлик суви мазкур бошқарма жамоасининг самарали меҳнати эвазига етказиб берилди. Бунда унинг тасарруфидаги бир минг 705,4 километрлик магистраль сув тармоқлари, 27 та сув иншооти ва 12 та сув тақсимлаш шохобчасида модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш ишлари ўз вақтида бажарилаётгани кўл келаяпти, албатта.

Айтиш жоизки, ичимлик суви таъминоти яхшилаш мақсадларида узоқ муддатга мўлжалланган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг замирида азиз ва муқаррам саналган инсон учун қулай турмуш шароитини яратиб бериш эзгу мақсад мужассамдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Равон йўллар, замонавий хизматлар

Сирдарё вилоятидаги Ховос шаҳарчасининг Карвонсарой деб аталадиган маҳалласи ўтмишда Турон юртининг Шарқу Фарб ва Жанубини боғлаб турувчи карвон йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги ва ўзига хос аҳамиятга эга бўлганлиги билан тарихимиздан ўрин олган. Бугун шу шаҳарча, кўшни туманлар орқали ўтган мамлакат ва халқроқ микроскопдаги йўллар атрофидаги турли хизмат кўрсатиш ҳамда сервис шохобчаларини қўриб, халқимизнинг қадим анъаналари бардавонлигига ишонч ҳосил қиламиз.

риш, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва совғалар харид қилиш имкониятига эга.

— Бундан бир неча йил олдин "М-39" йўлининг янги қурилган қисмида хизмат кўрсатиш мажмуасини қуришга киришган эдик, — дейди "Даврон Нур" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарход Эратов. — Бугун бу жойни бутун мамлакат аҳли билади. Боиси, Мирзачўл қовуларининг энг сараси шу ерда сотилади: қовун бозори бор-да! Мажмуада шохна, вақтли матбуот дўкони ва алоқа хизматлари кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Таъкидлаш керакки, ушбу мажмуа — Ўзбекистон Миллий автомагистрала бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис объектлари қуришининг 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган манзилли дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳалардан бири. Ҳозиргача ана шундай объектларнинг 8 таси ишга туширилди, улар Обод турмуш йилида қишлоқларда хизмат кўрсатиш тизими тобора тақомиллаштирилганлигидан далолатдир.

Ш. АҲМАДАЛИЕВ.



Кувонарлиси, коллежининг 11 нафар битирувчиси сафимизга келиб қўшилди. Ҳозир касаначилиримизнинг сый-ҳаракатлари билан ҳар ойда 18 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараямиз. Жумладан, ишчиларнинг махсус кийимлари, автотўшама, қўлқоп, бризент ёпқичлар, елим қоплагич, кўрпа-тўшак жилдлари ва бошқа маҳсулотлар шартнома асосида вилоятдаги 10 та пахта тозалаш заводига етказиб берилаяпти.

Вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, Президент Фармони асосида ишлаб чиқилган "2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га мувофиқ, ҳудуддаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 3836 та иш ўрни яратилди.

Қисқача айтганда, касаначилик фаолияти учун жорий этилган имтиёзлар корхонада маблағни иқтисод қилиш, аҳоли бандлиги даражасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Хонадон аҳли ҳам, корхона ҳам манфаатдор

Касаначилик бирор бир касб-хунарга эга бўлса, вақтинча ишсиз юрган аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва оила даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, у аҳоли энг жойлашган маҳаллаларда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, уй меҳнатини йўлга қўйиш ҳисобига ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш учун катта имкониятдир.

«Қамаш пахта тозалаш заводи» оқик акциядорлик жамиятига қарашли Ҳузор пахта қабул қилиш пунктида касаначилик асосида ташкил этилган тикувчилик цехи фаолияти бунга мисол бўла олади. Мазкур цехнинг ишга туширилиши туфайли жамият билан шартнома тузган йўлаб ўй бекаларида ҳаётда ўз ўрнини топишига умид уйғонди, рўзгорига баракат кирди. Ҳузур Тўраева — шулардан бири.

— Корхона билан шартнома тузганидан кейин уйда беқор ўтиришга вақт қолмади, масъулият пайдо бўлди, — дейди у. — Бу узоқ шахарга қатнаб, бирор корхонада ишлаш ёки иш қилариб юргандан кўра яхши-да. Биз корхонада ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларини елим қопчаларга жойлаб, ёрликларни ёпиштирган ҳолда, айтилган муддатда олиб кетиш учун тайёрлаб қўямиз. Қанча кўп иш бажарсак, шунча кўп маш

олашимиз. Бундан ташқари, меҳнат дафтарчасида иш стажим кайд этиб борилган бўлганини айтмаймизми?!

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу меҳнат турини рағбатлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан бирга, саноат корхоналари фаолиятининг самардорлигини оширишда ҳам жуда қўл келаяпти.

— Тикувчилик цехимиз ташкил этилганда, касаначилиримиз 20 кишидан иборат эди, — дейди унинг бошлиғи Ҳузур Файзуллоева. — Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, маҳсулот тури кўпайтирилган, ишловчилар сони 40 нафардан ортди.

## «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»

Давлат дастури ижроси доирасида:

- иқтисодийнинг турли соҳаларида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириши қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва бандлигини оширишни молиялаштириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб **5,6** триллион сўм ва **250** миллион АҚШ доллари йўналтирилди;
- **833,4** мингта иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ туманларида **488** мингдан зиёд иш жойлари яратилди;
- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш мақсадига қиймати **1,2** триллион сўм ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилиб, **5,5** мингта тураржой фойдаланишга топширилди;
- аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш учун **2000** километрдан ортиқ сув қувурлари тармоғи ишга туширилди.



Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, мамлакатимизда

## Аҳиллик қўрғонининг кўркама уй-жойлари

Бешариқ туманида бундай бахтиёр оилалар кўп. Гап шундаки, бу ерда 2010 — 2012 йиллар давомида намунавий лойиҳалар асосида 142 та уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда 53 та тураржой қад ростлади. Бунда «Маъмуржон Ғаниев келахаги» хусусий корхонаси жамоасининг ҳам нуноси ҳиссаси бор. Унинг раҳбари Маъмуржон Ғаниевнинг айтишича, улар икки йил аввал «Шайтонқўл» массивида 15 та, ўтган йили «Янгиқўрғон» массивида 20 та, бу йил эса Бўстон қишлоғида 16 та уйнинг қалитини эгаларига топширишга муваффақ бўлдилар.

Маълумки, азалдан ўзбек маҳалласи аҳиллик қўрғони, осойишталик маскани сифатида эъзозлаб келинган. Ўзбек маҳалласини хорихликлар ўзгача меҳр, самимий лутф билан тилга олишларининг боиси ҳам шунда. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси қишлоқлар, демакки, маҳаллалар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Аҳиллик қўрғонининг аҳолиси замонавий уй-жойлар билан таъминланиши эса уларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш имконини берди.

Хусусан, Бувайда туманида бу

борада амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. — 2010 йилда Додхоқ қишлоғида 35 та, 2011 йили Найман қишлоғида 36 та, 2012 йили Амрмерган қишлоғида 46 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган эди, — дейди туман ҳокими Авазбек Раҳмонов. — Тез орада Маслаҳат қишлоғида барпо этилган 35 та яқна тартибдаги уй-жойга ҳам эгалари кўчиб ўтишди. Бу уйларнинг аксарияти 4-5 хонали бўлиб, маблағнинг дастлабки тўлови аллақачон тўланган. Қолган қисми эса тижорат банклари томонидан қопланди.

— Биз бир неча йиллардан бери янги уй қуриш, шинам, кўркама хонадонларда яшаш, бу ерда фарзандларимизни тарбиялашни орзу қилар эдик, — дейди Додхоқ қишлоғидаги уй соҳибаси Моҳирахон Ғаниева. — Қарангли, мустақиллик шарофати туфайли бу ниятимиз ушланди.

Мухтасар айтганда, жорий йилда Фарғона вилояти бўйича намунавий лойиҳалар асосида 850 та уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бу лойиҳа тула амалга оширилса, ҳудудда яна 30 та янги маҳалла қад ростлайди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Оилавий бизнес баракаси

Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, унинг бандлиги даражасини ошириш, умуман, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бугунги тез ўзгариувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилма — оилавий бизнес, айниқса, янги иш ўринлари яратиш ва юртдошларимиз даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили кирча кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур ҳаракатни янги бошқича олиб чиқди, десак, янгиликларимиз. Чунки оилавий тадбиркорлик асосини йиллар давомида хонадон муҳитида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб-хунар ва миллий анъаналарини ташкил этади. Мисол учун, хунармандчиликни олиб кўрсатган, замонавий қанчаллик илгариласин, техника ва технология имкониятлари қанчаллик кўпаймасин, хунармандлар меҳнатига бўлган талаб-эҳтиёж ортса ортаптки, камайгани йўқ. Боиси, уларнинг қўли билан яратилган барча жиҳоз ва буюмларда жозоба, табиийлик мужассам. Таъкидлаш жоизки, истиқлол туфайли бу хунар соҳибининг меҳнати қадр топти, янада жонланди. Бу жараёнда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш учун қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Умуман, хунар эгалари, маълум анъанавий касб-корларни ўрганиб, рўзгорига барака киритаётганлар меҳнати, шубҳасиз, тараққиётимизга, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Баҳоидир ДАВЛЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмасининг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



Бугунги кунда, масалан, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси Хоразм ви-

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5

ISSN 2010-8788

1 2 3 4 5